

Абдусалом УМАРОВ

Китоб таъдирин - инсоният таъдирин

Китоб ҳозирги шаклига келгунича узоқ тадрижий тараққиёт йулини босиб ўтган. Бундан бир неча минг йиллар илгари бобилликлар, ассирияликлар ва бошқа қадимги дунё халқлари китоб сифатида сополдан фойдаланганлар. Хитойда эса дастлабки китоблар бамбук дарахтидан ишланган пластинкалардаги битиклар бўлган. Кейинчалик хитойлар шойига ёзишни, милоннинг I асрида эса қоғозга ёзишни ихтиро қилишди.

Қадимий маданият бешикларидан бири Мисрда дастлабки матнлар тош булакчаларига ўйиб ёзилган. Кейинчалик папирус ихтиро қилинди. Папирус жаҳон маданияти ривожининг юксак намуналаридан бири сифатида инсониятга узоқ вақт мобайнида хизмат қилди.

Эраמידан аввалги иккинчи асрда Пергам (ҳозирги Туркиянинг Бергам шаҳрида)да ҳайвонларнинг терисидан ёзув учун янги маҳсулот - пергам (пергамент) ихтиро қилинди. Шарқ халқлари юксак маданиятининг буюк намуналаридан бири «Авесто» китоби ҳам дастлаб 12 минг бузоқ терисидан ишланган пергаментга ёзилган.

Ўрта асрларда инсонлар пергамент ёки папирус варақларини тўрт буклаб, дафтар (тетради - юнвонча «туртлик») шаклига келтиришни урганиб олдилар. Мана шундай дафтарларнинг бир нечасини бирлаштириб яратилган китоблар «кодекс» деб аталган. Демак, китобнинг ҳозирги шаклига келишида кодекслар дастлабки қадам бўлган.

Ўрта Осиёда ҳам китоб ишлаб чиқаришнинг қадимги санъати - китобат ва хаттотлик кенг ривожланган эди. Айниқса,

маданий юксалиш даври бўлган - теурийлар даврида Самарқандда дунёга машҳур қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва бир қатор хаттотлик мактаблари юзага келган. Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Бойсунқур Мирзо асос солган Нафис санъат академиясида кўчирилган китоблар хаттотлик санъатининг юксак намуналари эди.

Маълумки, қўлда кўчириб ёзилган, турли сураат ва миниатюралар билан безатилган китоблар қимматбаҳо ҳисобланган, ҳатто бир китобнинг баҳосига ҳовли-жой сотиб олиш мумкин бўлган. Кишиларнинг маданий эҳтиёжи ўсиши билан арзон китобларга бўлган талаблар ҳам ортиб борди ва китобни оммавий нашр этиш кашф этилди.

Турли матнларни аввал ёғочга ўйиб, кейин уни қоғозга чоп этиш дастлаб милоннинг V-VII асрларида Хитойда, X асрга келиб эса Европада қўлланган. Маданий ривожланиш натижасида алоҳида ҳарфлардан (белгилардан) фойдаланган ҳолда китоб босиш ихтиро қилинди. Мана шундай усулда дастлаб XI асрда хитойлик темирчи уста Би Шэн китоб нашр эта бошлаган. У лойдан иероглифлар тасвирини ясаб, пишириб, кейин улар ёрдамида турли ёзувлардан китоб нашр этган.

Европада китоб нашр этишни Иоаганн Гуттенберг ихтиро қилган. У 1444 йилда ўзи яратган босма станокда китоб чоп этган. Китобни нашр этишнинг ушбу арзон усули тез орада бутун Европага тарқалди ва уша вақтдан буён китоб босиб чиқариш саноати тухтовсиз ривожланиб келмоқда.

Бугун биз китобларнинг энг

сўнги авлоди - электрон китоблар туғрисида гапирмоқдамиз. Электрон китоб яратиш тарихи 1945 йилдан бошланади. Бу пайтда футурист Ванавар Буш томонидан «китоблар, ёзувлар ва хабарларни сақлаш, уларга ишлов бериш, узатиш» имконини берувчи хусусий қурилмалар яратиш ҳақида фикрлар билдирилган эди.

Электрон нашриёт иши ривожининг кейинги босқичи 1968 йилга туғри келади. Тед Нельсон томонидан «гипертекст»нинг кашф этилиши, яъни World Wide Web асосининг яратилиши матнларни Интернетда сақлашга ва ҳозирги пайтда электрон китобларнинг бош формати яратилишига имкон берди.

1968 йил талаба Алан Кай томонидан китоб вазифаларини бажарувчи Dyna Book портатив интерактив компьютер лойиҳаси ишлаб чиқилди. Йигирма йилдан кейингина ушбу лойиҳа тижорий аҳамият касб этди. 1971 йилдан бошлаб Illinois Benedictine College ташаббуси билан бугунги кунда энг кўп электрон форматли китобларни ўз ичига олган Project Gutenberg лойиҳаси амалга оша бошлади. 1981 йилда бизга маълум бўлган Тед Нельсон «Xanadu» гуруҳини ташкил этади ва электрон китоблар билан савдо қилишни режалаштиради. 1982 йилда онлайн режимида ишловчи биринчи электрон журнал FSFnet пайдо бўлди. Унда бадиий асарлар - қисқа фантастик ҳикоялар босилди. Шундай қилиб, 1998 йили бир пайтнинг ўзида иккита қурилма - том маънодаги электрон китоб сотувга чиқарилди. Булар «SoftBook Reader» ва «Rocket eBook» лардир.

SoftBook Readerнинг оғирлиги 1,3 кг. булиб, стандарт китоб улчамидан салгина каттадир. Унинг 8 мегабайтли хотирасида 5000 бетли матнни сақлаш мумкин. Бу электрон китоб батареялар ёрдамида 5 соат ишлай олади. **SoftBook Reader** китобдаги барча матн буйича автоматик кидирувни амалга ошира олади, яъни укувчини қизиқтирган парчаларни белгилаб қуйиш, топиб олиш мумкин, матнда турли иллюстрациялар, жадваллар, диаграммаларни жойлаштириш

тарқалиши мумкин экан.

Хуллас, эндиликда инсоният, нафақат ёзма манбага, ҳатто электрон манбага суяниб қолди, компьютерсиз, интернетсиз узини ночор сезадиган булди. Ана шундай бир вазиятда *мутолаа* тушунчасининг ҳам мазмунида узгаришлар рўй берди.

Олмон файласуф шоири Иоганн Волфган Гёте «Мен китоб ўқишни бир умр ўргандим», деб ёзган экан. Агар у бизнинг асримизда яшаганида эди, электрон китоблардан, турли виртуал манбалардан фойдаланиш учун талайгина қўшимча техникавий сабоқ олишига тўғри келар эди. Дарҳақиқат, мутолаа маданиятини эгаллаган киши деганда китобга қизиқиш, адабиётлар билан кенгрок танишиш рағбоати, китоб билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга эга бўлиш, шунингдек, ахборот манбаларидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлиш каби кўпгина сифатларни узида жамулжам қилган инсонни куз



имконияти бор.

Яна бир электрон китоб **Rocket eBook** булиб, у дизайни ва нархи жиҳатидан ҳаммабоп ҳисобланади. Бу қурилма стандарт шаклдаги китобдан салгина кичик ҳажмда, оғирлиги 627 грамм, хотирасида 32000 саҳифани сақлаш имкониятига эга. Автоном равишда бетўхтов 40 соат ишлай олади.

Электрон китоблар қоғоз китобларни сиқиб чиқарадими? -деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Буни ҳаёт курсатади. Лекин шу нарса аёнки, китобхонларнинг кўпчилиги монитор орқали ўқишни ёқтиришмайди, бунинг устига электрон китоблар нисбатан қиммат. Аммо мутахассисларнинг фикрига қўра, келажакда нашрларнинг 90 фоизи электрон шаклда

тарқалиши мумкин экан. Агар у бизнинг асримизда яшаганида эди, электрон китоблардан, турли виртуал манбалардан фойдаланиш учун талайгина қўшимча техникавий сабоқ олишига тўғри келар эди. Дарҳақиқат, мутолаа маданиятини эгаллаган киши деганда китобга қизиқиш, адабиётлар билан кенгрок танишиш рағбоати, китоб билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга эга бўлиш, шунингдек, ахборот манбаларидан тўлиқ фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлиш каби кўпгина сифатларни узида жамулжам қилган инсонни куз угнимизга келтирамиз.

Мутолаа маданияти кишининг манбани тулақонли тушуниши, ундан эстетик завқ олиши, муаллиф фикри ва ғоясини англаши ҳамда уни баҳолай олиши сингари хусусиятларга эга бўлишини талаб қилади. Бундан ташқари, китоб ва кутубхонадан фойдаланиш, ўзини қизиқтирган масалаларга доир манбаларни топиб олиш ва ундан ўқишда, ишда, ҳаётда фойдаланиш йўлларини билиш ҳам муҳим. Китобни танлаш, уни тез ўқиш, авайлаб сақлаш, шахсий кутубхона ташкил этиш, ўқилган китобларни бошқаларга тавсия эта олиш ҳам мутолаа маданиятига киради. Демак, мутолаа маданияти инсонни бевосита амалиётга киришиш, ҳаёт билан уйғунлашиш, маънавий фойда олишга

йўналтиради.

Китобсиз илму маърифатга эришишни, илму маърифатсиз эса туқис жамият қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, ҳамма нарса инсоннинг билимига, маънавий камолотига бориб тақалар экан, китобхонлик анъаналарини ривожлантириш, мутолаа маданиятини шакллантириш ва тараққий топтириш ўта зарур вазифалиги узүздан аён бўлади.

Жамиятда мутолаа маданиятини шакллантиришга энг кўп хизмат қиладиган муассасаларнинг олдинги сафида кутубхоналар туради. Кутубхоначилик соҳасининг нечоғли ривожланганлиги, унинг аҳволи-сажияси алал-оқибат мамлакат истиқболига таъсир курсатувчи омил сифатида майдонга чиқади. Чунки ғарблик социолог олимларнинг фикрича, мутолаа қилувчи одам – «Homo legends» ҳар қандай ислоҳотларнинг марказида туради, ўқийдиган омма эса демократик жамиятнинг асосий шартини ҳисобланади.